

Тез-тез бериладиган саволлар

Умумий маълумот

ЮНЕСКО нима?

ЮНЕСКО-Бирлашган Миллатлар ташкилотининг таълим, фан ва маданият ишлари бўйича муассасаси. У Бирлашган Миллатлар ташкилотининг ихтисослашган агенлиги бўлиб, таълим, табиий ва ижтимоий фанлар, маданият, коммуникация ва ахборот соҳаларидаги дастурлар орқали тинчлик мустаҳкамлаш, қашшоқликни камайтириш, барқарор ривожланиш ва маданиятлараро мулоқотни кучайтиришни қўллаб-кувватлайди .

Ташкилот 193 аъзо -давлатлардан ва 11 ассоциациялашган аъзолардан ташкил топган. Қароргоҳи Париж (Франция)да жойлашган.

Ўзбекистон 1993 йилда ЮНЕСКОга аъзо бўлди, 1996 йилда эса Тошкентда ЮНЕСКОнинг Ваколатхонаси очилди.

Ташкилотнинг вазифаси нимада?

Барқарор тинчлик асосларини мустаҳкамлашда, шунингдек, адолатли ва барқарор ривожланишда ЮНЕСКО нинг ўзига хос ўрни бор. Таълим, табиий ва ижтимоий фанлар, маданият, коммуникация ва ахборот соҳаларида халқаро ҳамкорликни рағбатлантириш, халқаро ҳамжамият КОВИД-19, турли-хил можаролар, табиий ёки техноген фалокатлар, терроризм каби янги муаммоларга дуч келаётган бир пайтда муҳим стратегик аҳамиятга эга.

75 йилдан бери, улардан Ўзбекистондаги 24 йил, ЮНЕСКО ўз ваколати соҳаларида кўплаб тадбирларни амалга ошириб келмоқда, ҳамда мулоқот ва ҳамфиқрлик, шунингдек, инсониятнинг интеллектуал ва маънавий ҳамжиҳатлигига асосланган барқарор тинчлик ўрнатишга ҳисса қўшиб келмоқда .

ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги Ваколатхонаси нима билан шугулланади?

ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги Ваколатхонаси 1996 йилда очилган. Бизнинг офис ЮНЕСКОнинг дунё бўйлаб 53 офисларидан биридир. Унинг ҳозирги раҳбари жаноб Ян Хладик (Чехия). Ваколатхонада тўртта дастур сектори фаолият кўрсатади: таълим, табиий фанлар, маданият, коммуникация ва ахборот.

Биз Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси, вазирликлар ва бошқа давлат муассасалари билан, шу жумладан, Ўзбекистон ташки ишлар вазирлиги, маданият вазирлиги, халқ таълими вазирлиги, инновацион ривожлантириш вазирлиги,

билан яқин ҳамкорликда ишлаймиз; шунингдек Бирлашган Миллатлар ташкилоти ва унинг ихтисослашган агентликлари, Жаҳон банки каби бошқа ҳукуматлараро ташкилотлар; Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган ЮНЕСКОга аъзо бўлган давлатлар элчихоналари; миллий ва халқаро ННТ ва идоралар; шаҳар ва вилоят ҳокимликлари; оммавий ахборот вositалари вакиллари ва бирлашмалари бизнинг ҳамкорларимиздир.

Бизнинг офис асосан ўзининг ваколати соҳасида салоҳиятини ва хабардорликни ошириш борасида таҳник ёрдам кўрсатади, ҳамда турли тадбирлар ташкиллаштиради. Шунингдек, Ўзбекистонга БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2015 йилда қабул қилинган 2030 йилгача кун тартибида белгиланган барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда кўмаклашамиз.

Ваколатхонанинг дастур йўналишлари фаолияти миллий таълим тизимини мустаҳкамлаш, кўчар ва кўчмас маданий меросни ҳимоя қилишда ҳукумат ва маҳаллий манфаатдор томонларни қўллаб-қувватлаш, ижодий тармоқларни мустаҳкамлаш ва маданий плюрализмни тарғиб қилиш, табиий ва ижтимоий фанларни ривожлантириш, ҳамда сўз эркинлигини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш, журналистларни ҳимоя қилишга қаратилган.

Маданият

Нима учун Маданият соҳасидаги Конвенциялар керак?

Халқаро ҳамкорлик учун ноёб глобал платформани таъминлаш, ҳамда инсон ҳукуқлари ва умумий қадриятларга асосланган яхлит маданиятни бошқариш тизимини яратиш. Иштирокчи давлатларга қонуний равищда мажбурий бўлган ушбу халқаро шартномалар моддий ва номоддий, кўчар ва кўчмас маданий меросни асрар ва муҳофаза қилиш, шунингдек, ижодкорлик, инновация ва янги динамик маданий соҳаларнинг пайдо бўлишини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

1972 Жаҳон Мероси Конвенцияси нима?

Жаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция ЮНЕСКОнинг 1972 йилдаги Бош конференцияси томонидан қабул қилинган халқаро битимдир. У дунёдаги айрим жойлар умумбашарий аҳамиятга эга ва шунинг учун инсоният умумий меросининг бир қисмини ташкил этиши керак деган тушунчага асосланади. Конвенцияга қўшилган давлатлар дунёмизнинг энг сара, умумбашарий табиий ва маданий меросини аниқлаш ва сақлаб қолиш бўйича вазифани бажариш учун бирлашган халқаро ҳамжамиятнинг бир қисмига айланган. Миллий суверенитетни тўла ҳурмат қилган ҳолда ва миллий қонунчиликда назарда тутилган мулкий ҳукуқлар чекланмаган ҳолда, иштирокчи

давлатлар жаҳон меросини ҳимоя қилиш бутун халқаро ҳамжамиятнинг зиммасидадир, деб эътироф этадилар.

Ўзбекистон 1993 йилда ушибу Конвенсия иштирокчисига айланди.

Жаҳон мероси қўмитаси Жаҳон мероси Конвенциясини амалга ошириш учун масъулдир, Жаҳон мероси фондидан фойдаланишни белгилайди ва иштирокчи давлатларнинг талабига кўра ушбу фонддан молиявий ёрдам кўрсатади. Қўмита йилда бир марта йигилади ва Баш Ассамблеяси томонидан сайланган 21 иштирокчи давлат вакилларидан иборат. Қирғизистон ҳозирда қўмита аъзоси бўлган Марказий Осиёдаги ягона мамлакатdir.

Жаҳон мероси нима?

Жаҳон мероси ер юзидағи инсоният учун умумбашарий аҳамиятга эга бўлган жойлар бўлиб, улар келажак авлодлар қадрига етиши ва улардан баҳраманд бўлиши учун муҳофаза этиладиган Жаҳон мероси рўйхатига киритилган. 2020 октябр ҳолатига кўра, жаҳон мероси Рўйхатида 1,121 маданий, табиий ва аралаш мерос объектлари мавжуд.

53 та объектни ўз ичига олган Хавф остида қолган жаҳон мероси рўйхати ҳам мавжуд. Агар объект жаҳон мероси рўйхатига киритилиши лозим бўлган хусусият ва тавсифномаларни йўқотса, жаҳон мероси қўмитаси объектни Жаҳон мероси рўйхатидан, ҳамда Хавф остида қолган жаҳон мероси рўйхати олиб ташлашга қарор қилиши мумкин.

Ўзбекистонда ЮНЕСКО жаҳон мероси объектлари нечта?

Ўзбекистоннинг тўртта маданий обьекти ЮНЕСКО жаҳон мероси рўйхатига киритилган: Бухоро тарихий маркази (1993-йилда киритилган), Шахрисабз тарихий маркази (2000 - йилда керитилган), Иchan-қалъа (1990-йилда киритилганин), Самарқанд-маданиятлар чорраҳаси (2001-йилда киритилган) ва Фарбий Тян-Шан табиий ҳудуди (2016-йилда киритилган). 2016 йилда Шахрисабзнинг тарихий маркази Хавф остида қолган жаҳон мероси рўйхатига киритилди.

Бундан ташқари, ҳар бир иштирокчи давлат келажакда Жаҳон мероси рўйхатига номзодликка кўриб чиқиши ниyat қилиб қўйган обектларнинг миллий рўйхати ҳисобланган Дастлабки рўйхатда 30 та обектга эга. Жаҳон мероси рўйхатига номзод обьект иштирокчи давлат Дастлабки рўйхатига киритилмагунча кўриб чиқилмайди.

Жаҳон мероси рўйхатига киритилиши нимани англатади?

Бир мамлакат Жаҳон маданий ва табиий меросини ҳимоя қилиш бўйича 1972 Конвенциясига қўшилгач ва Жаҳон мероси рўйхатига киритилган обьектларга эга бўлиш

натижасида қўлга киритилган нуфуз меросни сақлаш ҳақида кенг жамоатчилик ва давлат органларининг хабардорликни оширишга ёрдам беради. Хабардорликнинг ортиши мерос объектларини муҳофаза қилиш ва сақлаш даражасининг умумий ўсишига олиб келади. Мамлакат бўлса ўзининг мерос объектларини асраб қолиш бўйича саъй-харакатларини қўллаб-қувватлаш учун Жаҳон мероси жамғармасидан молиявий ёрдам ва Жаҳон мероси кўмитаси эксперт маслаҳат олиши мумкин. Жаҳон мероси Конвенциясининг барча иштирокчи давлатлари 5,000 дан 30,000 долларгача ва ундан ортиқ миқдорида жаҳон мероси жамғармасидан халқаро ёрдам олиш учун мурожаат қилиш ҳукуқига эга.

1995-йилдан 2016-йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда халқаро ёрдам томонидан молиялаштирилган, жами 160,760 АҚШ долларига тенг бешта лойиҳа амалга оширилди. Лойиҳалар орасида - Бухоро тарихий маркази ва "Самарқанд-маданиятлар чорраҳаси" жаҳон мероси обьекти учун бошқарув режасини ишлаб чиқиш; Бухородаги Рашид мадрасасини реставрациялаш; шаҳар мероси обьектлари бўйича жаҳон меросига номзодликка номинация хужжатларини тайёрлаш; ва бошқалар.

Жаҳон мероси рўйхатига киритилиши самараси нимада?

Ушбу муайям меросни муҳофаза қилиш ва асраб-авайлаш масаласи бутун халқаро ҳамжамиятнининг ташвишига айланади.

ЮНЕСКО жаҳон мероси обьектларини қандай ҳимоя қиласи?

ЮНЕСКО жаҳон мероси соҳасидаги вазифаси :

- * табиий ва маданий мероси муҳофазасини таъминлаш;
- * конвенция иштирокчи давлатларни, уларни миллий худудида жойлашган маданий, табиий ва аралаш обьектларни Жаҳон мероси рўйхатига номзодликка қўйишга рағбатлантириш;
- * иштирокчи давлатларни бошқарув режаларини ишлаб чиқишига ва уларнинг жаҳон мероси обектларини сақланганлик ҳолати бўйича ҳисобот бериш тизимларини яратишига рағбатлантириш;
- * иштирокчи давлатларга техник ёрдам кўрсатиш ва профессионал тайёргарлик орқали уларнинг жаҳон мероси обьектларини муҳофаза қилишда ёрдам бериш;
- * ҳавф остида қолган жаҳон мероси обьектларига фавқулодда ёрдам кўрсатиш;
- * иштирокчи давлатларни жаҳон меросини муҳофаза қилиш ҳақида жамоатчиликни хабардорлигини ошириш бўйича тадбирларини қўллаб-қувватлаш;

* маҳаллий аҳолининг ўзининг маданий ва табиий меросини сақлашдаги иштирокини рағбатлантириш;

• жаҳон маданий ва табиий меросимизни асрраб-муҳофаза қилишшда халқаро ҳамкорликни кучайтириш.

* Жаҳон мероси ҳақида кўпроқ билиб олиш учун ушбу интернет саҳифасига киринг (инглиз тилида) .

Номоддий маданий мерос тўгрисидаги 2003 йилги Конвенсия нима?

Номоддий маданий меросни ҳимоя қилиш бўйича ЮНЕСКО 2003 йилги Конвенцияси номоддий маданий меросни намоён этадиган бешта кенг "соҳа" ни қўзда тутади: оғзаки анъаналар ва ифода шакллари, шу жумладан, номоддий маданий мерос ифодаловчиси сифатида тил; ижрочилик санъати; урф-одатлар, маросимлар, фестиваллар; табиат ва коинот билан боғлиқ билим ва урф-одатлар; ва анъанавий хунармандчилик. Бундан ташқари, ушбу конвенция жамоалар ва амалиётчиларни уларнинг замонавий маданий амалиётларда қўллаб-қувватлаш воситасидир. Номоддий маданий мерос мероснинг "тирик" шакли бўлгани учун уни ҳимоя қилиш чоралари бошқа нарсалар қатори, унинг доимий янгиланиб, келажак авлодларга етказишни таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон 2008 йилда ушбу Конвенсияга иштирокчисига айланди.

Бош Ассамблея Конвенцияни амалга ошириш учун стратегик йўналишлар беради ва номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича хукуматлараро Кўмитанинг 24 нафар аъзосини сайлайди . Ушбу аъзоларнинг асосий вазифалари Конвенсия мақсадларини илгари суриш, илғор тажрибалар бўйича кўрсатмалар бериш ва номоддий маданий меросни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўгрисида тавсиялар беришдан иборат. ..

Одилона географик тақсимлаш тамойилига асосланган ҳолда Бош Ассамблея 2006 июн ойида Кўмитадаги ўринларни ЮНЕСКО Ижроия кенгашига сайловлар учун олтида ЮНЕСКО сайлов гурухлари ўртасида ҳар бир гуруҳдан иштирокчи давлатлар сонига мутаносиб равишда тақсимланишини қарор қилди. Демакки 24 кишидан иборат қўмитада, ҳар бир гуруҳ камида учта ўринни эгаллайди.

Қозоғистон қўмита (IV гурух) аъзоси бўлган ягона Марказий Осиё мамлакатидир.

Номоддий маданий мероснинг (НММ) Репрезентатив рўйхати ва номоддий маданий меросни сақлаш бўйича энг илғор амалиётлар реестри нима?

Инсониятнинг номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхати мероснинг хилмалилигини намойиш этишга ва унинг аҳамияти хақида хабардорликни оширишга ёрдам берадиган номоддий мероснинг элементларидан иборат.

Номоддий маданий меросни сақлаш бўйича энг илғор амалиётлар реестри 2003 йилги номоддий маданий мерос тўғрисидаги Конвенциянинг тамойиллари ва мақсадларини акс еттирувчи дастурлар, лойиҳалар ва тадбирларни ўз ичига олган.

Бундан ташқари, Фавқулотда муҳофазага муҳтож бўлган номоддий маданий мерос рўйхати мавжуд бўлиб, у, манфаатдор жамоалар ва иштирокчи давлатларнинг фикрича, сақлаб қолиниши учун шошилинч чора-тадбирларни талаб қилувчи номоддий мерос элементларидан иборат

ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатлари ва реестрига Ўзбекистондан қандай элементлар киритилган?

Ўзбекистоннинг қуидаги НММ элементлари Инсоният номоддий мероси репрезентатив рўйхатига киритилган: "Шашмақом" (2008), ""Бойсун туманининг маданий макони" (2008), "Катта Ашула" (2009), "Аския" (2014), "Палов маданияти ва анъаналари" (2016), "Наврӯз" (2016), Хоразм "Лазги" рақси (2019) ҳамда Озарбайжон, Эрон, Туркия ва Ўзбекистон томонидан биргаликда тайёрлаган ва 2020 йилда Рўйхатга киритилган «Миниатюра санъати» номинацияси.

2017 йилда Номоддий маданий меросни муҳофaza қилиш бўйича ҳукumatларaro қўмита қарори билан ўзбек анъанавий атлас ва адрес тайёрлаш технологияси номоддий маданий меросни сақлаш бўйича энг илғор амалиётлар ЮНЕСКО реестрига киритилди. Бу амалиёт "Марғилон ҳунармандчиликни ривожлантириш, атлас ва адрес матоларини тайёрлаш технологиясини сақлаш маркази "деб номланди.

Элементлар рўйхатга киритилгач, ЮНЕСКО уларни ҳимоя қилиши учун қандай ҳаракатларни амалга оширади?

Номоддий маданий меросни муҳофaza қилиш учун жавобгарлик номоддий маданий меросни муҳофaza қилиш тўғрисидаги 2003 Конвенция иштирокчи давлатлари зиммасида. Ривожланаётган давлатлар номоддий маданий мерос фондидан халқаро ёрдам олиш учун ариза топширишлари мумкин. Ёрдам миқдори 100 000 АҚШ долларгача етиши мумкун..

Ҳар тўрт йилда иштирокчи давлат Кўмитага Фавқулодда ҳимояга муҳтож бўлган номоддий маданий мерос рўйхатига киритилган элементларнинг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни тақдим етиши керак. Ушбу ҳисобот элементнинг ҳақиқий ҳолатини баҳосини, меросни

ҳимоя қилиш бўйича режаларининг таъсирини ва ушбу режаларни амалга оширишда жамоа иштирокини ўз ичига олиши керак. Иштирокчи давлатлар меросни ҳимоя қилиш бўйича ишлар билан шуғулланувчи жамоа муассасалари ва ташкилотлари ҳақида ҳам маълумот беришлари керак.

Бундан ташқари, ҳар олти йил, иштирокчи давлатлар Конвенцияни амалга ошириш учун қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисидаги Номоддий маданий мерос ҳимоя қилиш хукуматлараро қўмитаси даврий ҳисоботларни тақдим керак. Ушбу ҳисоботларда улар ўз худудида мавжуд ва Репрезентатив рўйхатга киритилган барча элементлар жорий ҳолати ҳақида маълумот беришлари керак. Ушбу батафсил ҳисоботлар рўйхатларга киритилган элементлар мувофиқликлиги ва уларни ҳимоя қилиш учун амалга оширилган ҳаракатлар ҳақида маълумот беради.

Ўзбекистоннинг даврий ҳисботи 2014 йил 15 декабрда тақдим этилган ва Қўмита томонидан 2015 йилда кўриб чиқилган.

НММ ҳақида кўпроқ билиб олиш учун ушбу интернет саҳифасига киринг (инглиз тилида)

Маданий ифодалар хилма-хиллигини муҳофаза қилиши ва разбатлантириши тўғрисидаги 2005 йилги Конвенция нима?

2005 йилги Конвенция ижодий ишчиларни, маданий мутахассисларни, амалиётчиларни ва дунё фуқароларини маданий товарлар, хизматлар ва фаолият турларининг кенг спекторини яратиш, ишлаб чиқариш, тарғиб қилиш ва улардан кенг фойдаланиш имкониятини тақдим этишни мақсад қилган. Маданий товарлар ва хизматларни яратиш, ишлаб чиқариш, тарқатиш ва улардан фойдаланишни қўллаб-кувватлайдиган сиёsat ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши шакллантираётган 2005 йилги Конвенцияс ижодий иқтисодиётнинг марказидадир. 2005 йилги Конвенция пировардида ахборотли, ошкора ва иштирок этувчи маданий бошқарув тизимларини яратиш учун янги асосни тамиnlайди.

Ўзбекистон 2019 йилда ушбу конвенциянинг иштирокчисига айланди .

Ҳукуматлараро қўмита Конференцияни илгари суриш ва амалга ошириш мақсадида Томонлар Конвенцияси раҳбарлиги остида иш олиб боради. Томонлар Конференцияси томонидан тўрт йиллик муддатга сайланган дунёнинг барча минтақаларидан йигирма тўрт нафар иштирокчи ҳар йили Конвенциянинг амалга оширилиши ривожланиб бораётган ўзгарувчан дунёда долзарб бўлиб қолишини таъминлаш учун учрашади.

Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган маданият соҳасидаги яна қандай конвенциялар бор?

Ўзбекистон маданят соҳасида бошқа икки конвенцияни ратификация қилди: Қуролли можаролар юз берганда маданий мулкни ҳимоя қилиш бўйича 1954йилги Гаага Конвенцияси ва Маданий бойликларни ноқонуний олиб кириш, олиб чиқиш ва эгалик хуқуқини ўзгага беришни ман этиш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирлари тўғрисидаги 1970 йилги Конвенция.

Қуролли можаролар юз берганда маданий мулкни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция 1954-йилда Гаагада (Нидерландия), иккинчи жаҳон уруши даврида маданий мероснинг катта микдорда йўқ қилиниши ортидан қабул қилинган. Ушбу шартнома бутун қуролли тўқнашувлар пайтида фақатгина маданий меросни муҳофаза қилишга қаратилган биринчи халқаро шартнома хисобланади.

Конвенция меъморий, санъат ёки тарих ёдгорликлари, археологик обьектлар, санъат асарлари, қўллэзмалар, китоблар ва бошқа бадиий, тарихий ёки археологик соҳаларига тегишли бўлган кўчар ва кўчмас маданий меросларни қамраб олади, жумладан келиб чиқиши ёки эгалик хуқуқидан қатъий назар барча турдаги илмий тўпламлар.

Ўзбекистон 1996 йилда ушбу конвенция иштирокчисига айланди.

Маданий бойликларни ноқонуний олиб кириш, олиб чиқиш ва эгалик хуқуқини ўзгага беришни ман этиш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирлари тўғрисидаги 1970 йилги Конвенцияси иштирокчи давлатларни маданий бойликларни ноқонуний савдосини тақиқлаш ва олдини олишга қаратилган чораларни кўришга чорлайди. Конвенция иштирокчи давлатлар учун маданий бойликларни ноқонуний олиб кириш, олиб чиқиш ва эгалик хуқуқини ўзгага беришни ман этиш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни қабул қилиш учун умумий асослар таъминлайди.

Ўзбекистон 1996 йилда ушбу конвенция иштирокчисига айланди.

Маданий мулкнинг ноқонуний савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш учун 1970йилги Конвенциясига қўшимча хужжат сифатида, ЮНЕСКО Хусусий хуқуқни унификацияси бўйича халқаро институттга ЮНИДРУА -Ўғирланган ёки ноқонуний экспорт қилинган маданий мулк тўғрисидаги Конвенцияни (1995) ишлаб чиқиш таклифи била мурожат қилди. ЮНИДРУА конвенциясида давлатлар ўғирланган ёки ноқонунний экспорт қилинган маданий мулкни қайтариш учун ягона режимни қўллашни ва қайттариб бериш

ҳақидаги сўровларни бевосита миллий судларда кўриб чиқишига рухсат беришни ўз зиммасига олади. Бундан ташқари, ЮНИДРУА Конвенцияси нафақат инвентаризация ва декларация қилинган маданий бойликларни, , балки барча ўғирланган маданий мулкни қамраб олади ва барча маданий бойликлар қайтариб бериш зарурлигини назарда тутади.

Ўзбекистон ҳали ЮНИДРУА Конвенцияси иштирокчиси эмас .

ЮНЕСКО Ўзбекистонда қандай маданий ташаббуслар билан чиқмоқда?

2015-йилдан бошлаб ЮНЕСКО Ўзбекистонда қатор оммавий тадбирлар ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Улар орасида джазни оммалаштириш ва унинг дунёниг барча бурчакларида одамларни бирлаштиришдаги ролини кучайтиришга қаратилган Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида ҳар йили апрель ойида ўтказиладиган халқаро джаз фестивали.

Афсуски, фестиваль КОВИД – 19 андемияси туфайли 2020 да бўлиб ўтмади.

Яна бир фестиваль - "Атлас Байрами" анъанавий тўқимачилик фестивали (сентябр, Марғилон) Ўзбекистоннинг номоддий меросини, хусусан, анъанавий тўқимачилик, жумладан, ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадида ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинмоқда. Бундан ташқари, ушбе фестиваль маҳаллий жамоаларнинг иқтисодий ва ижтимоий фаровонлигини ошириш ва минтақани туристик йўналиши сифатида тарғиб қилиш имконини беради.

Таълим

ЮНЕСКО барча учун сифатли таълим беришга қандай интилади?

ЮНЕСКО таълимнинг барча жабхаларини қамраб олган мандатга эга ягона БМТ агентлиги ҳисобланади. Унга 4 Барқарор ривожланиш мақсади (сифатли таълим) доирасидаги “Таълим – 2020” глобал Кун тартибини амалга оширишда етакчи рол топширилган. Бунга эришиш учун 2030 йилгacha бўлган даврда таълим соҳасида ҳаракат дастуридир йўл харита сифатида хизмат қиласи.

Бизнинг ишимиз мактабгача таълимдан бошланиб, олий ва кейинги таълим билан тугайдиган таълимни ривожлантиришни қамраб олади. Мавзулар глобал фуқаролик ва барқарор ривожланиш, инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик, ҳамда техник ва профессионал кўнималарини ривожлантиришни ўз ичига олади.

ЮНЕСКО таълим ва гендер тенглиги соҳасида нималар қилмоқда?

ЮНЕСКО бутун таълим тизими доирасида гендер тарғиб қиласи, жумладан, таълимда қатнашиш (таълим олиш ҳуқуқи), таълимда (мазмун, контекст, ҳамда ўқитиш ва ўрганиш амалиёти) ва таълим орқали (таълим натижалари, ҳаёти ва иш имкониятлари).

Хусусан, ЮНЕСКО мамлакатларга гендер масалаларни уларнинг қонунчилик, сиёсат ва режаларига киритилиши бўйича миллий салоҳиятларини ривожлантиришга кўмаклашади; эркак ва аёл талабаларнинг эҳтиёжларини самарали қондирадиган гендер масалаларни назарда тутган педагогикада соҳасида ўқитувчиларни тайёрлашни қўллаб-қувватлайди; қизлар ва аёлларнинг саводхонлигини ошириш ва кенгайтириш, ҳамда уларга расмий ва норасмий таълимдан фойдаланиш имкониятини бериш, жумладан ахборот, коммуникация ва технологиялар орқали (АКТ); стереотиплар ва дискриминациядан холи бўлган ўқув дастурлари ва дарслекларнинг ишлаб чиқилишини қўллаб-қувватлайди ва ҳоказо.

TKХТ қисқартилари нимани англатади?

Техник ва касб-ҳунар таълими (TKХТ) таълим ва иш дунёсини боғлайди. TKХТ ёшлар ва катталарга бандлик, муносиб меҳнат ва тадбиркорлик учун зарур бўлган қўнималарни ривожлантиришга ёрдам бериш орқали иқтисодий, ижтимоий ва экологик эҳтиёжларни қондиришни мақсад қилган. Шу тарзда, TKХТ адолатли, инклузив ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди ва “яшил” ва ракамли иқтисодиётга ўтишни қўллаб-қувватлайди.

ЮНЕСКО 4 барқарор ривожланиш мақсадига ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда таълим соҳасида ҳаракат дастурига мувофиқ TKХТ стратегиясини (2016-2021) ишлаб чиқди. Ушбу стратегия аъзо давлатларнинг аниқ миллий контекстларида TKХТ тизимларини мустаҳкамлашга ва ёшлар бандлигини қўллаб-қувватлаш, ҳамда муносиб иш, тадбиркорлик билан шуғулланиш ва бутун умр давомида таълим олиш имкониятларига қаратилган.

Бунга Ўзбекистонда яқинда ишга тушган Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган умумий қиймати 9,6 миллион евро бўлган, касб-ҳунар таълими ва кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш орқали, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашга қаратилган “Ўзбекистоннинг қишлоқ худудларида иш билан таъминлаш қўнималарини ривожлантириш” номли янги дастур мисол бўла олади.

УНИТВИН /ЮНЕСКО кафедралари дастури нима?

ЮНЕСКОнинг УНИТВИН дастури университетлар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик ва тармоқлар аъро алоқани тарғиб қиласи. Бу дастур бутун дунё бўйлаб олий таълим муассасалари мустаҳкамлаш, билим бўшликларини тўлдириш, университет тажриба

сафарбар қилиш, ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда бақарор ривожланиш соҳасидаги Кун тартиби доирасида ҳамкорликни қўллаб қувватлади.

1992 йилда ишга туширилган Дастур ЮНЕСКОнинг ваколат соҳалари - таълим, табиий ва ижтимоий фанлар, маданият, коммуникация ва ахборот билан боғлиқ асосий устувор йўналишлари бўйича ЮНЕСКО кафедралари ва УНИТВИН тармоқларини яратишни қўллаб-қувватлади. Бугунги кунда ушбу тармоқ 114 та мамлакатдаги 700 дан ортиқ институтни ўз ичига олади.

Ўзбекистоннинг турли регионларида ЮНЕСКОнинг ўнта кафедралари фаолият кўрсатади, жумладан, физика ва астрономия (Ўзбекистон миллий университети), инсон хукуqlари, тинчлик, демократия, бағрикенглик ва халқаро тушуниш кафедраси (жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети), автоматлаштирилган ахборот технологиялари кафедраси (Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти), сув дипломатияси, сув ресурсларини бошқариш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кафедраси (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти) ва бошқалар.

* ЮНЕСКОнинг таълим соҳасидаги барча мавзуларни қўпроқ билиб олиш учун ушбу интернет саҳифасига киринг.

Табиий фанлар

ЮНЕСКО табиий фанлар соҳаси нима қиласди?

ЮНЕСКО чучук сув, денгиз, экологик, фундаментал фанлар, ҳамда ер ҳафидаги фанлар соҳасида йирик халқаро дастурларни амалга оширади. Шу билан бирга у миллий ва минтақавий фан - техника сиёсатини ишлаб чиқиши, илм-фан, технология ва инновациялар, муҳандислик ва қайта тикланадиган энергия соҳасида салоҳиятни оширишга ўз ҳиссасини қўшади.

Яқин тарихдаги энг йирик глобал экологик оғатлардан бири Орол денгизи фожиасидир. Маҳаллий, минтақавий ва глобал муаммоларга жавобан сув ресурслари хавфсизлигини ошириш 6 Барқарор ривожланиш мақсади (тоза сув ва санитария) 2030 йилгача бўлган давр кун тартиби ва бошқа мақсадларига мувофиқ.

ЮНЕСКО илм-фанни популяризатори бўлиб хизмат қиласди. У ғоялар яратиш, фикр алмашиб ва стандартларни белгилаш учун платформадир, ҳамда олимлар ва сиёсатшунослар ўртасидаги мулоқотни қўллаб-қувватлади.

Фан, техника ва инновация соҳасидаги сиёсат нима?

Фан, техника ва инновацияларга (ФТИ) инвестиция қилиш иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий тараққиёт учун мухимдир. Илмий-тадқиқот ва Тадқиқот ва тажриба-лойиҳалаш ишлари янада “яшил”, янада инклузив жамият қуриш орқали барқарор ривожланишга ҳисса кўшиши мумкин.

ЮНЕСКО ўз ваколати доирасида аъзо давлатларнинг миллий ФТИ тизимлари ва уларни бошқаришни ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш борасидаги саъй-харакатларини қўллаб-кувватлайди, ҳамда илмий сиёсатни шакллантириш, мониторинг қилиш ва амалга ошириш бўйича хукуматларга техник маслаҳат, методология ва тавсиялар беради.

ЮНЕСКОнинг фан, технология ва инновацион сиёсат механизмлари ([GO→SPIN](#)) глобал обсерваторияси миллий фан, технология ва инновацион ландшафтларни хариталаш, шунингдек ФТИ сиёсатини таҳлил қилиш ва уни амалга оширишнинг методологик воситасидир. Очиқ платформа қарор қабул қилувчилар, парламентарийлар, университетлар, билим алмашиб марказлари, компаниялар, мутахассислар ва кенг жамоатчилик томонидан фойдаланиш учун ФТИ соҳасидаги сиёсат ҳакида турли хил маълумотларга, ҳамда кучли график ва аналитик воситаларга эга инновацион маълумотлар базаларини таклиф этади.

Ўзбекистонда инклузив фан, техника ва инновация тизими мустаҳкамлашга 2019 йил охирида киришилди. Ислом тараққиёт банки томонидан молиялаштирилган лойиҳа ЮНЕСКОнинг Тошкенитдаги Ваколатхонасининг табиий фанлар бўлими ҳамда ЮНЕСКОнинг Олмаотадаги Кластер ваколатхонаси томонидан амалга оширилмоқда. Кўпроқ маълумот олиш учун шу ерни босинг.

ЮНЕСКОнинг инсон ва биосфера дастури (МАБ) нима?

МАБ дастури (инглизча "*Man and the Biosphere*" дан) бу инсонлар ва уларнинг атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш учун илмий асос яратишга қаратилган хукуматлараро илмий дастур. Дастур инсонларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ва табиий ва бошқариладиган экотизимларни сақлаб қолиш учун табиий ва ижтимоий фанларни бирлаштиради ва шу билан ижтимоий ва маданий жиҳатдан мақбул ва экологик барқарор бўлган иқтисодий ривожланишга инновацион ёндашувларни илгари суради.

Биосфера резерватларининг жаҳон тармоғи ҳозирги кунда 124 та мамлакатдаги 701 та, шу жумладан 21 та трансчегаравий обьектларни ўз ичига олади. Ўзбекистонда битта биосфера қўриқхонаси-Чаткал биосфера қўриқхонаси мавжуд.

ЮНЕСКОнинг глобал геопарклар, биосфера қўриқхоналари ва жаҳон мероси объектлари ўртасидаги фарқ нима?

Дунё маданий, биологик ва геологик хилма-хиллиги сақлаган , ҳамда барқарор иқтисодий ривожланишини қўллаб-қувватлаган ҳолда, ЮНЕСКО глобал геопарклари, бошқа иккита, ЮНЕСКО томонидан биосфера қўриқхоналари ва жаҳон мероси объектлари сифатида белгиланган объектлар билан биргаликда, бизнинг меросимиз буюклиги ҳақида тўлиқ тасаввур беради.

Биосфера қўриқхоналари биологик ва маданий хилма-хилликни мувофиқлаштирилган бошқаришга қаратилган, жаҳон мероси обектлари эса умумбашарий қадриятларга эга табиий ва маданий масканларни асрраб-авайлашга хизмат қилган бир пайтда, ЮНЕСКО глобал геопарклари ернинг геологик хилма-хиллигини маҳаллий жамоалар билан фаол иш олиб бориш орқали муҳофаза қилишнинг муҳимлигини ва аҳамиятини оширувчи объектларни халқаро миқёсда тан олади.

Узбекистан намерен создать свой первый глобальный геопарк ЮНЕСКО на территории Китабского государственного геологического заповедника (Кашкадарьинская область). Дискуссия по этому вопросу состоялась на [Форуме по геотуризму в Шахрисабзе](#) 1-3 августа 2019 года.

Ўзбекистон Китаб давлат геология қўриқхонаси (Қашқадарё вилояти) худудида ўзининг биринчи ЮНЕСКО глобал Геопаркини яратиш ниятида. Ушбу масала юзасидан муҳокама 2019-йил 1-3-август кунлари Шахрисабздаги геотуризм бўйича форумда бўлиб ўтди.

Сектор коммуникации и информации стремится содействовать [свободе выражения мнений](#), [развитию средств информации](#), а также [доступу к информации](#) и [знаниям](#) в соответствии с мандатом ЮНЕСКО по "содействию свободному распространению идей словесным и изобразительным путем".

Коммуникация ва ахборот

ЮНЕСКО коммуникация ва ахборотсоҳаси нима қиласди?

Коммуникация ва ахборот соҳаси ЮНЕСКОнинг " сўзлар ва тасвиirlар орқали ғояларни эркин тарқатишга кўмаклашиш“ ваколатига мувофиқ сўз эркинлигини химоя қилиш, ахборот воситалари ривожлантириш, ҳамда ахборот ва билим олиш хукуки тарғиб қилишни мақсад қилган.

Бизнинг дастурлар барқарор ривожланиш бўйича 2030 йилгача даврдаги кун тартибига белгиланган Барқарор Ривожланиш Мақсадларига, шу жумладан, 4 БРМ (сифатли таълим), 5 БРМ (гендер тенглик), 16 БРМ (тинчлик, адолат ва самарали муассасалари), ва 17 БРМ (барқарор ривожланиш учун ҳамкорлик), эришиш учун ўзининг бевосита ҳиссасини кўшади.

ЮНЕСКО осуществляет инициативы в области [медииной и информационной грамотности](#) (МИГ) и [журналистского образования](#). Отдельные медийные проекты, соответствующие видению ЮНЕСКО, могут получить гранты от нашей [Международной программы развития коммуникации](#) (МПРК), которая также способствует развитию средств информации, основанных на знаниях.

ЮНЕСКО медиа ва ахборот саводхонлиги (МАС) ва журналистика таълим соҳасидаги ташаббусларни амалга оширади. ЮНЕСКО тасаувига мос келадиган маҳсус медиа-лойҳалар, билимга асосланган оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга кўмаклашадиган бизнинг Коммуникацияни ривожлантириш халқаро дастури гранларини олиши мумкун.

ЮНЕСКОнинг ушбу соҳалардаги ишлари Инсон ҳуқуqlари Умумжаҳон Декларациясининг 19-моддасида мустаҳкамланганидек, сўз эркинлигини узвий инсон ҳуқуки сифатида қўллаб-қувватлашимизнинг бир қисмидир.

Ахборот саводхонлиги ва медиа саводхонлик бир нарсами?

Ахборот саводхонлиги ва медиа саводхонлик анъанавий тарзда алоҳида ва бир-биридан фарқ қилувчи йўналишлар сифатида кўрилади. ЮНЕСКО стратегияси бу икки соҳани бугунги кунда ҳаёт ва иш учун зарур бўлган ваколатлар (билим, кўникма ва муносабат) мажмуюи сифатида бирлаштиради. МАС фойдаланилаётган технологиялардан қатъий назар кутубхоналар, архивлар, музейлар ва интернет каби оммавий ахборот воситалари ва ахборот манбаларининг барча шаклларини кўриб чиқади.

ЮНЕСКО нашрлари, ҳужжатлар ва бошқа материалларни қаердан топсан бўлади?

ЮНЕСКО рақамли кутубхонаси ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқарилган ёки унинг ваколат соҳалари билан боғлик нашрлар, ҳужжатлар ва бошқа материалларни ўқишига имкон беради. ЮНЕСКО рақамли кутубхонаси ЮНЕСКОнинг институционал хотираси захираси ва ЮНЕСКОнинг фаолияти ҳақида юқори сифатли маълумот манбаи ҳисобланади. У 1945 йилдан бошлаб 350,000 дан ортиқ ҳужжатларни ўз ичига олади

Сиз зарур бўлган материаллар рўйхатини яратиш, янгиликларга обуна бўлиш, ижтимоий тармоқларда хабарлар алмашиш ва бошқалар каби муайян хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш учун бепул аккаунт яратишингиз керак.

Бошқа саволлар

ЮНЕСКОда ишилни истардим. Қандай қилиб ишга кириш учун ариза топширишим мумкин ?

ЮНЕСКО талаб ва эълонсиз тақдим этилган аризаларни қараб чиқмайди. Ишга кириш имкониятлари ҳақида маълумот олиш учун ЮНЕСКОда ишга қабул қилиш саҳифаси билан танишиб чиқинг.

ЮНЕСКОда амалиёт ўташ учун мурожаат қила оламанми?

Ҳа. Талаб этилган шартларни кўриб чиқиб, ЮНЕСКО амалиёт дастури доирасида ЮНЕСКО штаб-квартирасида ёки мамлакат офисларидан бирида амалиёт ўташ учун мурожаат қилишингиз мумкин.

ЮНЕСКОда қандай қилиб волонтер сифатида ишилшиим мумкин?

Сиз халқаро волонтер (кўнгилли) хизмат имкониятлари ҳақида маълумот олиш учун Халқаро волонтерлик хизмати кординацион қўмитаси сайтига кириб унинг аъзоларига мурожаат қилишингиз мумкун.